

ХОТИН-ҚИЗЛАР ЎРТАСИДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Шермухаммедов Абдумажид Мавлянович
Юнусобод тумани ИИО ФМБ бошлиғи

Аннотация: Ушбу мақолада хотин-қизлар ўртасида содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар турлари, уларнинг сабаб ва шарт-шароитлари, ҳуқуқбузарлик содир қилган хотин-қизларнинг хулқ-атвори, психологияси, профилактикасининг моҳияти, унинг ўзига хос хусусиятлари, хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ташкилий ва ҳуқуқий асослари, профилактикани ташкил этишнинг механизми, хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ташкил этишда вужудга келадиган муаммолар, шунга доир долзарб масалалар таҳлил қилинган, ички ишлар органларининг ушбу соҳасини ривожлантиришга доир таклифлар берилган.

Калит сўзлар: хотин-қизлар ўртасида содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар турлари, хотин-қизларнинг хулқ-атвори, психологияси, профилактикасининг моҳияти, сабаб ва шарт-шароитлари.

КИРИШ

Аёллар ўртасида ҳуқуқбузарликнингда рўй бераётган ўзгаришлар эркаклар ҳуқуқбузарлиги билан параллел ҳолда бормайди, нисбатан мустақил ҳолда ривожланади. Аммо ҳуқуқбузарлик бир бутун ҳолда ўзини ташкил этувчи қисмларга таъсир кўрсатади. Бу таъсир қарама – қарши алоқани вужудга келтиради. Яъни аёллар ўртасида ҳуқуқбузарликларда рўй берган ўзгаришлар умуман ҳуқуқбузарликлар ва унинг тузилишида ҳам ўзгаришлар рўй беришига олиб келади.

Умуман эркаклар ҳуқуқбузарлигидан фарқ қилувчи аёллар ўртасида ҳуқуқбузарликнингнинг хусусиятлари ҳақида қуйидагиларни айтиш мумкин:

биринчи хусусияти шундаки, аёллар сони мамлакатдаги эркаклардан кўп (Республика аҳолисининг 57,2%) бўлишига қарамасдан, аёллар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг эркакларникига нисбатан бир неча марта кам ва илгари, ҳам шундай бўлган;

иккинчи хусусияти аёллар ўртасидаги ҳуқуқбузарликда рўй бераётган ўзгаришлар билан эркаклар ҳуқуқбузарлигидаги ўзгаришлар бир хил эмас. Ўзгаришлар умуман ва айрим ҳуқуқбузарлик турлари бўйича ҳам мос келмайди;

учинчи хусусияти – аёллар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг ўз тузилишига кўра эркаклар ҳуқуқбузарлигини такрорламайди ва ундан миқдор жиҳати билангина эмас, балки сифат кўрсаткичларига кўра ҳам фарқ қилади. Умумий ҳуқуқбузарликка аёллар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг асосан ўзига хос бўлган ҳуқуқбузарлик турларини содир этиш билан ҳисса қўшади. Бу

ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши маълум маънода баъзи вазиятлар, конкрет микромуҳитда, муайян вақтда шаклланган аёлларнинг хулқ – атвори билан боғлиқдир.

АСОСИЙ ҚИСМ ВА ТАДҚИҚОТЛАР

Аёллар ўртасида содир этилаётган ҳуқуқбузарликларда руй бераётган ўзгаришларни ўрганиш учун биринчи навбатда:

- а) аёллар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг статистик қонуниятларин;
- б) аёл – ҳуқуқбузарга криминологик тавсиф беришни;
- в) аёллар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг тузилишини аниқлаш имконини беради.

Демак, эркаклар ва аёллар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг нафақат ўхшаш томонлари ва фарқларини, балки улар ривожининг йўналиши, ўзига хос хусусиятлари ва сифат ўзгаришларни аниқлаш амалий фаолият юритишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Умуман, аёллар ўртасида ҳуқуқбузарликдаги ўзгаришлар бир хил эмас. Айрим турдаги ҳуқуқбузарликларни қараб чиқадиган бўлсак, уларни ҳуқуқбузар аёллар сони:

- а) камайган;
- б) барқарор қолган;
- в) йилдан – йилга кўпайиб бораётган гуруҳларга ажратиш мумкин.

Аёллар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг тузилишида ўғирлик, товламачилик, фирибгарлик, гиёҳвандлик воситаларининг ғайриқонуний муомаласи, одам савдоси, савдо қоидаларини бузиш, фохишахоналар сақлаш, қасддан баданга шикаст етказиш, таносил касалликларини юқтириш кўпчиликини ташкил этади¹⁷.

Аввалги йилларда аёллар томонидан зўрлик ишлатиб, ғараз мақсадларда ҳуқуқбузарлик содир қилиш жуда озни ташкил этган бўлса, ҳозирда бундай ҳуқуқбузарликлар аёллар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг тузилишида кўпайиб бормоқда. Бундай ҳуқуқбузарликлар аёллар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг 6 % ташкил этади.¹⁸

1897 – йили Халқаро криминалистлар уюшмасининг Гейделбергда бўлиб ўтган съездида ҳуқуқбузарларнинг таснифи қабул қилинган бўлиб, у тенг даражада ҳуқуқбузар аёлларга ҳам тегишлидир. Ушбу таснифга кўра ҳуқуқбузарлар қуйидагиларга ажратилади:

- 1) тасодифий, эпизодик ҳуқуқбузарлар;
- 2) хулқ – атворида жиддий беқарорлик бўлган ёки бир неча марта ҳуқуқбузарлик содир этган ҳуқуқбузарлар;
- 3) ашаддий ёки профессионал ҳуқуқбузарлар.

¹⁷ Халимов Ҳ.А. Аёл – оила қўрғони. – Қонун ҳимоясида. – 2018. - №8 – Б.34. [http:// www.ima.uz](http://www.ima.uz)

¹⁸ Абдусаломов М, Каракетов. Ю. Ответственность за вымогательство. –Т., 2017. – с. 7.

Ч.Ламброзо ҳам ўзининг «Жиноятчи ва фохиша аёл» асарида ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор бўлган аёлларни бир неча типларга ажратади :

- 1) туғма ҳуқуқбузар аёллар;
- 2) тасодифий ҳуқуқбузар аёллар ;
- 3) эҳтиросли ҳуқуқбузар аёллар;

Ламброзо ўз жонига қасд қилган ва чақалоғини ўлдирган аёлларни алоҳида кўриб чиқади, фоҳишаларни ҳам иккита : тасодифий ва туғма тоифадагиларга ажратади.¹⁹

Биз аёлларнинг агрессив хулқ – атворини инсоннинг эволюцияси жараёнида шаклланган биоижтимоий ҳусусияти ҳисобланувчи нисбатан мураккаб бўлган агрессивлик феномени доирасида кўриб чиқиш кераклиги тўғрисидаги олимларнинг фикрига қўшилаамиз.

Шу муносабат билан агрессивликни биологик объект, жумладан, инсонга ҳам хос бўлган доимий ҳусусият сифатида, агрессияни эса – муайян шароитларда содир этиладиган ҳаракатлар сифатида фарқлаш лозимлигини қайд этиш керак.

Ҳуқуқбузарлар шахсининг умумий типологияси қуйидаги талаблардан ташкил топган:

1.Типология муайян ижтимоий шарт – шароитлардан узилиб қолмаслиги керак.

2.Типология шахсларни бир туркумга бирлаштирувчи муҳим феъл – атвор ҳусусиятларини очиб бериши лозим.

3.Типология ҳаётий материалга асосланиши ва алоҳида муайян вазиятларга хос бўлган ҳолатларини тушунтириш учун хизмат қилиши керак²⁰.

Биз ажратган шахс типларининг биринчиси – бу паст «паст малакали» шахсдир.Этиборлиси шундаки, бу типдаги аёллар ғаразли ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил бўлиб, уларнинг тоифалари ҳар хил бўлади. Улар сафига ўғрилиқ, хўжалиқ соҳасида ғаразли ҳуқуқбузарликларни содир этувчи жиноятчилар ва хизмат вазифаларини ғаразли ниятда суиистеъмол қилувчи ҳуқуқбузарлар ҳамда талон – тарожлик ҳуқуқбузарликларини содир этувчи ҳуқуқбузарларни киритиш мумкин. Булар маънавий, руҳий, психологик ва физиологик жиҳатдан бузилган одамлар, ижтимоий нуқтаи назардан маълум даражада тубанлашган шахслардир. Улар, одатда, спиртли ичимликларни суиистеъмол қилади, ҳуқуқбузарликлар содир этиш билан бир қатор тасодифан учраган ишларни бажариб, кун кечиради , баъзан доимий турар жойга эга бўлмасдан дайдилиқ қилади. Бундай шахслар асосан ўзганинг мулкини оз миқдорда такроран ўғирлаш ҳуқуқбузарликларини содир этади. Жумладан, улар одамлар кўп йиғиладиган жойларда (аэропортлар, вокзаллар, мактаблар, болалар боғчалари, қариялар уйлари ва ҳоказоларда) қаровсиз қолган

¹⁹ Ламброзо Ч. Гениальность и помешательство. – 1998. – С. 400.

²⁰ Левитов Н.Д. Психология характера. – М.,2016. – С.300-301.

буюмларни ўғирлайди. Бундай шахслар учун жиноий фаолият асосий тирикчилик манбаи бўлиб хизмат қилади. Бу аёлларнинг кўпчилиги оиласиз, доимий турар жойга эга эмас, таъмагирлик ҳуқуқбузарликлари учун такроран судланган, дайдилик учун ушланган, оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган шахслардир.

Ўғрилик ҳуқуқбузарлигини содир этувчи аёлларнинг жиноий хатти – ҳаракатлари анча олдин юзага келади ва аёллар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий жиҳатдан энг тубан тоифасига кирадилар. Ўғрилар катта жиноий тажрибага, ғайриижтимоий хулққа оид шаклланган қарашлар ва кўникмаларга эга бўладилар. Уларнинг бу хулқ – атори барқарор жиноий йўналишга эгалиги билан ажралиб туради. Ўғри аёлларда одатда унинг ҳуқуқбузарлар муҳитига барқарор кириши, илк ёшидаёқ оиладаги тарбиясининг нуқсонлари, асосий еҳтиёжларининг сурункали равишда қондирилмаслиги, доимо вазиятга тобеълиги билан боғлиқ.

Ўғри аёллар ўзларининг психологик ҳусусиятларига кўра зўравон ҳуқуқбузарларга яқин турадилар. Улар моддий муҳитдаги тўсиқларни енгиш тажрибасига эга бўлиб, талончилик ҳамда босқинчилик содир этишга осон ўтадилар.

Талон – тарожлик ҳуқуқбузарлигини содир этувчилар кўп ҳолларда мансабдор аёллар томонидан амалга оширилиб, порахўрлик, харидорларни алдаш, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариш, қалбаки ҳужжатлар яшаш, фирибгарлик ва бошқа ҳуқуқбузарликларда намоён бўлади.

Алоҳида тоифадаги ҳуқуқбузар аёлларнинг психологик ҳусусиятлари.

Жиноий хулқ – атор, жумладан, аёллар жиноий хулқ – аторининг типологик моделларини тузишга қатор қизиқарли тадқиқотлар бағишланган бўлиб, уларда ҳар хил шахсий ҳусусиятлар турлича хулқ – атор мотивларининг шаклланишига олиб келиши қайд этилади.

Профессинал ҳуқуқбузар аёлларнинг иккинчи типини шартли равишда «ғараз мақсадли зўравон» тип деб номлаймиз. Булар, одатда, ёш проффессинал ҳуқуқбузар аёллар, алоҳида ҳоларда эса ҳатто вояга етмаган шахслардир ²¹. Маълумотларга қараганда, бундай аёлларнинг 45 % ига яқини бир неча марта ҳуқуқбузарлик содир этганига қарамай, муқаддам судланмаган. Мазкур шахс типининг ёш чегаралари 17 – 35 ёш. Ўзига хос ҳусусиятлари: жинсий ҳаёти тартибсиз, маълумоти ва касбий малакасига қарамай, моддий эҳтиёжлари анча баланд. Улар, одатда, эркакларнинг гуруҳлари таркибида ғараз мақсадларда зўравонлик ҳуқуқбузарликларини содир этади, мазкур гуруҳларда баъзан етакчи мавқеъга эга бўлади. Мазкур типга мансуб аёллар орасида фохишалар кўп бўлиб, улар жиноий фаолиятда ёрдамчи, далолатчи ёки ташкилотчи

²¹ Мартирисова М.М Преступность несовершеннолетних женского пола, ее причины и организация прелупреждения ОВД // Автореф.дисс.канд. юрид.наук. – М,2018 – С,20.

вазифасини бажаради. Ҳуқуқбузар аёлларнинг мазкур типига гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиш хосдир.

Барча ғаразли ҳуқуқбузарларда умумий асос – ғаразли майлларнинг барқарорлиги мавжуд. Ғараз – энг барқарор, йўқ қилиш қийин бўлган инсоний қусурлардан бири, яъни шахснинг барқарор салбий йўналганлигининг тизим ҳосил қилувчи омил ҳисобланади.

Бу типга мансуб аёллар аввалгиларига қараганда анча тубанлашган, уларнинг хулқ – аторида шавқатсизлик ва принципсизлик, айниқса, кўпроқ намоён бўлади. Улар зўравонлик ҳуқуқбузарликларини кўп ҳолларда маданий билим даражаси паст бўлганлиги сабаб содир этадилар. Зўравон ҳуқуқбузар аёл шахси (жисмоний куч ишлатиб ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахс) одатда тарбиянинг асосий соҳалари – оила, ўқув юрти, ишлаб чиқариш жамоасидаги камчилик ва нуқсонларни акс эттирувчи паст даражадаги ижтимоийлашув билан ажралиб туради. Ушбу шахснинг мотивацион соҳасига эгоцентризм (худбинлик), жамият вакилларининг бир қисми билан барқарор низолашув ва ўзини оқлашга бўлган интилишнинг мавжудлигидир. Бу ерда, аксарият ҳолларда, алкоголь жиноий мақсадни фаоллаштирувчи омил ҳисобланади. Уларнинг эмоционал – психологик ҳолати интеллектуал – иродавий назоратининг заифлиги натижасида импулсив равишда туғиладиган агрессив даъватларни бевосита рўёбга чиқаришга мойиллик билан уйғунликда ички қарама – қаршилиги даражасининг катталиги билан таърифланади.

Аёлларнинг жиноий зўравонлик хатти – ҳаракатлари ўзининг баъзи психологик хусусиятлари билан ажралиб туради. Аёлларнинг зўравонликка асосланган ҳуқуқбузарлиги ҳажмига кўра эркакларникидан анча кам. Аёллар хулқи воқеъликнинг айрим ҳодисаларини кескинроқ қабул қилиши, уларга кўпроқ ҳиссиёт билан жавоб бериши, шахслараро муносабатларнинг айрим ҳолатларига каттароқ аҳамият бериши билан ажралиб туради.

Аёллар кескин низоли вазиятларда руҳий шикастланишга кўпроқ мойил бўладилар, улар оиладаги келишмовчилик ва низоларни кескинроқ ҳис қиладилар, натижада кўпроқ ҳавотирга тушиб, таҳдид солаётган хавфни бартараф этишга, шунингдек, оилавий ишларнинг кўплиги уларда юқори даражадаги рўҳий зўриқишнинг юзага келиши сабабли зўравонлик хусусиятларининг шаклланишига ҳам олиб келади.

Ашаддий зўравонлик ҳуқуқбузарликларини содир этувчи аёллар бир қатор шахсий – типологик, психологик хусусиятларга эга бўлади. Булар:

- атрофдаги шахсларни доимо ўзига душман сифатида қабул қилиш;
- энг кичик шахсий муваффақиятсизликлардан ҳаддан ташқари таъсирланиш, уларни ижтимоий жиҳатдан мос (адекват) баҳолашга қобилиятсизлик;
- жамиятдан бегоналашганлик (аутиклик);

-ҳиссий жиҳатдан ниҳоятда беқарорлик патологик даражадаги жиззакилик, қасоскорлик, руҳий нотайинлик, кайфиятнинг тез ўзгариши;

-даъвогарлик даражасининг ниҳоятда юқорилиги;

-экстремал вазиятларда бўлишга мойиллик, уларни фаол юзага келтириш;

-ўзини кўрсатишга мойиллик;

-ўзларига хос ҳиссий нуқсонларни доимо яширишга интилиш;

Навбатдаги тип – одатда бир ўзи ёки эркак билан (камдан – кам ҳолларда аёл билан) иштирокчиликда ҳуқуқбузарлик содир этадиган юқори даражада профессионал ўғри ва фирибгар аёллар. Бундай шахслар ҳуқуқбузарликларга пухта тайёргарлик кўрадилар, жабрланувчиларнинг хатти – ҳаракатлари, ҳуқуқбузарлик изларини яшириш ва ҳоказоларнинг мумкин бўлган барча вариантлари назарда тутилади, ҳуқуқбузарлик содир этиш учун қулай жой, шунингдек, ҳуқуқбузарлик қуроли ва воситалари танлаб олинади. Бундай типдаги аёлларнинг ёши 27-50 ёш доирасидадир.

Ёш аёллар кўпинча ҳуқуқбузарликни иштирокчиликда содир этади. Бундай аёлларнинг оиласи одатда бузилган ёки фақат расман сақланиб қолган бўлади. Шахсга хос бўлган хусусиятлар: турли фавқулудда вазиятларга психологик мосланувчанлик лаёқатининг катталиги, ўғрилик ва фирибгарликка ихтисослашганлик, ўрта ёки ўрта махсус маълумотга, маълум ҳаёт тажрибасига эгаллиги билан изоҳланувчи интеллектуал савиянинг нисбатан баландлиги. Бундай аёллар орасида махсус рецидивистчиликнинг салмоғи анча каттадир. Бундай ҳуқуқбузарликлар рецидивидида зўравонлик ҳуқуқбузарликлари деярли бўлмайди. Ҳуқуқбузарлик содир этиш учун «гастрол»га чиқиш, ҳар хил ўғирлик қилишга мўлжалланган мосламалардан, сохта ҳужжатлар, пул купюралари ва ҳоказолардан фойдаланиш ҳолатлари кенг тарқалган.

Профессионал ҳуқуқбузар аёлларнинг тўртинчи типини ҳуқуқбузар аёллар орасида «ўғрилар онаси» деб аташ қабул қилинган бўлиб, бу ҳуқуқбузарлик оламида мазкур тоифага мансуб аёлларнинг тутган ўрнини ёрвин ифода этади²². Булар фохишахоналар ва гиёҳвандлик воситалари истеъмол қилувчилар учун бангихоналарнинг сақловчилари, қўшмачилар, ўғрилик моллар ва гиёҳвандлик воситалари сотиб олувчилар ва сотувчиларидир. Бу тоифага мансуб аёл ҳуқуқбузарларни қўлга олиш анчагина қийин ҳисобланади. Уларнинг ғайриижтимоий қарашлари ва ҳаётга мунасабати турғун. Ҳуқуқбузарлик олами вакиллари билан ҳар томонлама, шу жумладан, минтақалараро алоқаларга эга. Бундай аёллар жиний анъана ва удумларнинг фаол тарқатувчилари бўлиб, ёшлар ва вояга етмаганларни ғайриқонуний фаолиятга жалб этади. Уларнинг кўпчилиги, одатда, оиласиз бўлиб, муваффақиятсиз оилавийҳаётнинг муқобили сифатида мана шундай жиний фаолиятни танлаган. Бундай аёллар киришимли, иродали ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлади. Мазкур типга мансуб аёлларнинг ёши кўпинча ҳолларда 40 – 55 ёш доирасида.

²² Габани А.А. Преступность среди женщин. – Тбилиси, 2016. – С.77.

«Оқ ёқалилар» деб номланувчи профессионал ҳуқуқбузар аёллар юқорида қайд этилган ҳуқуқбузар аёллар шахс типларининг энг охиргисидир. Бу ерда моддий ишлаб чиқариш соҳаларида, кредит – молия ва банк тизимларида, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида ўзганинг мулкани талон – тарож қилиш, мансаб ва хўжалик ҳуқуқбузарликларини содир этишни касбга айлантирган ҳуқуқбузар аёллар назарда тутилади. Улар ижтимоий нуқтаи назардан анча яхши ҳаёт кечиради. Бошқа тип вакилларига қараганда маълумот даражаси анча юқори ва яхши таъминланган, аммо, шу билан бирга, ўз жиноий фаолияти натижасида улар жамиятга энг кўп миқдорда моддий зарар етказадилар. Улар кўпинча уюшган жиноий гуруҳларнинг вакиллари билан бевосита боғлиқ бўлади ёки бундай гуруҳларда фаол иштирок этади. Профессонал жиноий фаолият, хизмат, ишлаб чиқариш ва мансаб ваколатларини бажариш билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ушбу шахс типининг асосий ўзига хос хусусиятларидан бири ҳисобланади.

Шахс типлари, ғайриқонуний хулқ – атвор моделлари ва унга туртки берувчи сабабларнинг ўз ҳолича бир – бир билан маълум даражада боғлиқлиги, сабаблар даражасида ҳам, муайян жиноий қилмишлар даражасида ҳам аралаш шаклларида эга бўлиши мумкинки, мазкур ҳуқуқбузарликларга қарши кураш, уларнинг олдини олиш чора – тадбирларин ишлаб чиқиш жараёнида, авваламбор, прфилактика фаолиятининг турли босқичларида уларни эътиборга олиш керак.

Аёллар ўртасида ҳуқуқбузарликнингни ўрганган тадқиқотчилар қишлоқ жойларида бундай ҳуқуқбузарлик даражаси анча пастлигин илгари ҳам қайд этганлар²³.

Шу, жумладан, ижтимоий муҳитдаги омилларнинг таъсири билан ҳам изоҳланади. Шаҳарда инсоннинг хулқ – атвори устидан яқин маиший муҳитнинг назорати анча заифлашади, бу эса, табиийки, ғайриқонуний қилмишлар содир этилишини энгиллаштиради. Қишлоқ жойларида шаҳарга нисбатан мустаҳкам ижтимоий алоқаларнинг сақланиб қолганлиги ўз ҳолича ижтимоий назорат элементи бўлиб хизмат қилади ва умумий ижтимоий – психологик ўзаро боғлиқлик билан ҳисоблашишга мажбур қилади. Ю.Д.Блувштейннинг фикрича, қишлоқ шароитларида шахс ўз хулқ – атворини ўзини қуршаган одамларнинг қарашларига мувофиқлаштиришини онглиликдан ҳам кўра кўпроқ конформизм, яъни муросасизликнинг ифодаси деб билиш керак. Ўзи кўниккан муҳит билан алоқани йўқотгач, қишлоқ аҳолисининг вакили зарарли таъсирларга жуда осон берилишининг сабаби шу билан изоҳланади. Қишлоқда яшайдиган аёлларнинг жиноий фаоллиги анча паст. Бинобарин, улар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар доираси ҳам анча тор. Қишлоқда хотин – қизларнинг савдо ва умумий овқатланиш соҳаларида бандлиги билан боғлиқ

²³ Габиани А.А. Преступность среди женщин.- Тбилиси, 1996. – 74 С.

хўжалик ва хизмат вазифаси билан боғлиқ, шунингдек, ўзганинг мулкани талон – тарож қилиш ҳуқуқбузарликларидир.

Оила – рўзгор муҳитида қишлоқ аёллари шахсга қарши ҳуқуқбузарликлар ва ўғриликлар ҳам содир этади, аммо бундай ҳуқуқбузарликлар жамоатчилик томонидан шаҳардагига нисбатан анча қаттиқ қораланади. Бунинг устига, қишлоқда ҳуқуқбузарлик содир этган ва озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган аёллар озодликка чиққанидан кейин кўпинча уйга қайтиб келмайди, балки бошқа жойларда, асосан шаҳарларда қолади. Бу ўзига хос қонуниятда ҳам ўзига хос мезонларига эга бўлган қишлоқ микромуҳитининг маълум хусусияти кўзга ташланади, зотан, мазкур мезонлар, юқоридаги тоифага мансуб аёллар ўзининг аввалги яшаш жэойига қайтиб келишига соф психологик тўсиқ бўлиб хизмат қилади, чунки яшаш жойидаги мустаҳкам ижтимоий – фойдали алоқалар озодликдан маҳрум қилиш тариқасида ўталган жазонинг муддати билан бевосита боғлиқдир. Бундай шароитда орттириладиган салбий кўникмалар ва хулқ – атвор принциплари эса, аёллар тушунчасида ,озодликдаги аввалги турмуш тарзига мос келмайди.

Яшаш жойининг аниқ эмаслиги, шахсий тирикчилик ва оилани таъминлаш учун маблағлар етишмаслиги кўпинча бундай шахсларда ҳасадгўйликнинг кучайишига олиб келади, уларни ўзини ва ўз яқинларини қандай қилиб бўлмасин ҳимоя қилишга даъват этади, бунинг оқибатида аёллар баъзан ҳуқуқбузарликга қўл уришга мажбур бўлади.

Бундай ҳуқуқбузар аёллар тоифасига яшаш жойи ва иш жойи аниқ бўлмаган шахсларгина эмас, балким муҳим турар жойга эга бўлган, болали аёлларнинг ҳам кириши кўрсатилган.

Юқорида келтирилган профессионал ҳуқуқбузар аёллар типидан ташқари аёл ҳуқуқбузар шахсларнинг психологик хусусиятларини уларнинг қуйидаги тоифалари бўйича ўрганиш мақсадга мувофиқ саналади:

1) Қотиллик ҳуқуқбузарлигини содир этувчи ҳуқуқбузар аёллар тоифаси Қотиллик ҳуқуқбузарлигини содир этган аёллар психологияси ҳақида тўхталиб ўтадиган бўлсак, уларда бошқа шахсларга нисбатан ниҳоятда тобеъликни кузатиш мумкин. Қотил аёллар эркин ҳаётга мослашиши қийин бўлган шахслар тоифасига кирадилар.

Тарбияланиш шароитини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, қотиллик ҳуқуқбузарликлари учун ҳукм қилинган аёллар бир ярим баравар кўп ҳолларда носоғлом шароитларда тарбияланганлар.

Аёлларда қотиллик ҳуқуқбузарликларининг аксарияти худди эркактарники сингари тўғри қасд билан содир этилади, тажрибанинг кўрсатишича, уларнинг 1/3 қисми аввалдан режалаштирилади. Аксарият қотилликларни 20 – 30 ёшлардаги аёллар содир этишади. Бунда асосан кўпроқ ўз боласини ва турмуш ўртоғини ўлдиришади.

Аёлларда қотиллик ҳуқуқбузарликлари ақли расоликни истисно этмайдиган турли нуқсонлар – сурункали алкоголизм, психопатия, бош миянинг органик касалликлари, шизофрения билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

2) Террорчилик ҳуқуқбузарликларини содир этувчи аёллар тоифаси.

Бугунги кунда жамиятимизга хавф солаётган ҳодисалар ичида террорчилик хавфи алоҳида ўрин тутди. Террорчилик энг мураккаб ва хавfli ҳолатларни ўз ичига қамраб олади ҳамда жамиятга катта хавф туғдиради. Террорчилик одамларда ёвузлик ва қўрқувлик ҳиссиётини пайдо қилади.

Сўнгги йилларда айнан террорчи шахсини ўрганиш психологлар эътиборини тортиб келмоқда. Чунки мураккаб психолог тузилишга эга бўлган террорчи шахсининг психологиясидаги ўзига хосликни ўрганиш унга қарши курашиш муаммосини имкон қадар йенгиллаштиради, деган фикрлар мавжуд. Бироқ ушбу муаммо ҳамон ҳал қилиб бўлмайдиган муаммога айланиб қолмоқда.

Тадқиқодчи олим С. Рошин террорчи шахсининг учта психологик моделини таклиқ этган:

Биринчи модел – психопат-мутаассиб модели. Бу ўзининг эътиқодлари (диний, мафкуравий, сиёсий)га асосланадиган ва ўз ҳаракатлари натижаси қандай бўлишидан қатъий назар, жамият учун фойдали эканига самимий ишонадиган шахс.

Иккинчи модел фрустрациялашган модел бўлиб, бихевиоризмнинг фрустрация²⁴- тажовузкорлик назариясига асосланади. У ёки бу талабларга кўра инсоннинг ўзи учун ҳаётининг муҳим мақсадларга йетиши олмаслиги туфайли юзага келган фрустрация ҳисси муқаррар равишда унда тажовузкор ҳаракатларга мойилликни юзага келтиради.

Учинчи модел - носоғлом оиладан чиққан шахс. « Ота – онанинг бола билан шавқатсиз муомалада бўлиши, унинг жамиятдан ажралиб қолиши, яхши муносабатларнинг камлиги ғайриижтимоий майлларга эга ғазабнок шахс шаклланишига олиб келиши мумкин.»

Террорчи аёл маълум сабаб ва вазиятлар таъсирида ҳуқуқбузарлик содир этади.

Аёллар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг профилактика фаолиятини ташкил этиш хусусиятларини қуйидаги йўналишларда ташкил этиш мумкин:

“Аёллар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш фаолиятини ташкил этишнинг умумий хусусиятлари деганда – ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг аёллар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олишни амалга оширувчи, ҳамда унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасаларнинг аёллар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, ушбу йўналишдаги

²⁴ Изох: Фрустрация (ноиложлик) – ўйлаган режа амалга ошмаганда, кўзланган мақсадга эришмаганда юз берадиган ҳолат.

ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт – шароитларни аниқлаш, бартараф этиш бўйича фаолиятидир”.

П.Н. Тарновская асосан Россиянинг Европа қисми марказида яшовчи 160 нафар одам ўлдирган аёлларнинг шахси ва хулқ – атворини пухта ва муфассал ўрганиб чиқди. Барча ҳуқуқбузарлар антропологик текширувлардан ўтказилди, кўпчилигининг эса кўриш, эшитиш, ҳид ва таъм билиш, умумий ва оғриқни ҳис қилиш қобилиятлари текширилиб кўрилди. Мазкур аёллар ва уларнинг оилаларининг ўтмишдаги ҳаёти, жумладан, касби, касалликлари, феъл – атвор, нимага мойилликлари ва одатлари ҳақидаги маълумотлар, шунингдек, ҳуқуқбузарлар билан суҳбатлашиш жараёнида олинган психологик маълумотлар тўпланди.

Ҳуқуқбузар аёллар орасида дайди аёлларнинг салмоғи ҳамиша катта бўлган. Аммо 1991 йил бу қилмиш Жиноят кодексидан декриминализация қилинди. Бу, табиийки, аёллар умумий ҳуқуқбузарлигининг статистикасида ҳам ўз аксини топди. Ҳуқуқбузарликнинг статистик кўрсаткичлари яхшиланди, аммо ижтимоий ҳодиса, унинг илдизлари сақланиб қолди. Мазкур ғайриижтимоий ҳодисанинг кескинлигини англаган Ўзбекистоннинг давлат-ҳокимият тузилмалари сўнгги даврда бу йўналишда маълум чоралар кўрилди.

ХУЛОСА

Профилактика инспектори аёллар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш фаолиятини ташкил этишнинг куйидаги хусусиятларига алоҳида эътибор бериши лозим:

-худудда жазони ижро этиш муассасасидан қайтиб келган ҳуқуқбузарларни аниқлаш ва улар билан якка тартибдаги рофилактик чора-тадбирларни амалга ошириш;

-худудда хулқ – атвори ғайриижтимоий ҳарактерга эга бўлган аёллар ва қизлар билан махсус тушунтириш ишларини олиб бориш, уларга ижтимоий-психологик ёрдам бериш;

-худудда ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ўзини тажовузкорлиги билан намоён этаётдиган аёл ва қизларни аниқлаб, уларга нисбатан профилактик ҳисоб йиғма жилдлари юритишни ташкил этиш;

-ўзининг номуносиб хулқ-атвори билан оилавий жанжаллар келиб чиқишига сабаб бўлаётган аёлларни маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтадиган йиғилишларда муҳокама этиш чораларини кўриш;

-худудда турли ҳил ҳуқуқбузарликлар содир этаб жазосини ўтаб чиққан аёлларнинг профилактик ҳисобини юритиш;

-худудда илгари судланган шахсларни аниқлаб, улар билан якка тартибда суҳбатлар олиб бориш чораларини амалга ошириш;

-худудда маъмурий назоратга олинганларнинг профилактик йиғма жилдларини ишлаб чиқиш ҳамда уларга нисбатан ўрнатилган чекловлар ўз вақтида амалга оширилаётганлиги устидан назорат олиб бориш;

-якка тартибдаги профилактик таъсир этишнинг усул ва шакллари бўйича объектга нисбатан қандай таъсир этаётганлиги бўйича мунтазам назорат олиб бориш;

-объектни қизиқтирган саволларига жавоб бериш, мавжуд муаммоларини бартараф этиш ҳамда шу юзасидан ҳуқуқий маслаҳатлар бериш;

-ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахсларга ёрдам кўрсатувчи ихтисослаштирилган муассасаларни ташкил этиш бўйича асослантирилган таклиф ва тавсияларишлаб чиқиш;

-ҳуқуқбузарликдан жабрланувчи аёлларнинг жисмоний ва психологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган махсус комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдурасулова Қ.Р, Ж.С. Мухторов. Аёллар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг сабаб ва шароитлари ҳамда профилактикаси. Ўқув қўлланма. Тошкент-2016Алексеев А.И. Криминология. Учебник. – М., 2002, – С. 103.
2. Абдурасулова Қ.Р, О.Г.Закирова, Ф.М.Мухиддинов, Ш.Х.Алиев, С.Б.Хўжақулов, Б.А.Умирзақов, Ғ.С.Қаршиев. Виктимология: Дарслик // Т, 2021 165 бет
3. Абдурасулова Қ.Р, О.Г.Закирова, Б.А.Умирзақов, Ғ.С.Қаршиев Криминология: Чизмалар альбоми. Т-2020
4. Абдуллаходжаев Г.Т. Предупреждение краж и мошенничества: виктимологические аспекты. дисс. канд.юрид.наук. – Т., 2004. – С. 117.
5. Веретина Ю.А. Изнасилование как вид криминального насилия против женщин // Вестник Волгоградского государственного университета Серия 5: Юриспруденция 2016
6. Мухиддинов Ф.М: Юриспруденция мутахасислиги “Жиноят ҳуқуқи” соҳасининг Виктимология фани бўйича ўқув-услугий қўлланма. Т-2019 й
7. Усманова Д.Р. Внутрисемейное насильственное преступление как объект изучения семейной криминологии // Вестник Уфимского юридического института МВД РОССИЯ. 2016
8. Исмаилов И., Миразов Д., Мухторов Ж.С. ва бошқ. // Ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш: Ўқув қўлланма. - Т.: 2017. Б-105.
9. Муҳамедов Ў.Х. Замонавий ёндашув асосида профилактика инспектори фаолиятини ташкил этиш: Ўқув-услугий қўлланма. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. — Б. 37.